



## **ИҚТИСОДИЙ ЦИКЛЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА КОНЦЕПЦИЯЛАР**

**Жаббаров Камолиддин Йўлдошевич**

*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон.*

**ORCID:** <https://orcid.org/0000-0003-0280-550X>

**Email:** [j.kamoliddin@nuu.uz](mailto:j.kamoliddin@nuu.uz)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss6/623](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss6/623)

### **Аннотация**

Мақолада иқтисодий циклларнинг турлари ва уларни аниқлаш учун шаклланган ёндашувларнинг гуруҳлари, цикллар назариясига ёндашувларнинг таснифланиши, иқтисодий агентларнинг кутишларини моделлаштириш орқали циклларни аниқлаш, фанда “кутиш” категориясининг асосий ёндашувлари таҳлил қилинади. Ишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил тадқиқот усулларида фойдаланилган. Мақола сўнгида хулосалар баён этилди.

**Калит сўзлар:** иқтисодий цикл, циклик тебраниш, иқтисодий агентларнинг кутишлари, инқироз, циклларни моделлаштириш

### **ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ И КОНЦЕПЦИИ В ИЗУЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЦИКЛОВ**

**Джаббаров Камолиддин**

*Доктор философии по экономике, доцент Национального университета Узбекистана, Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

В статье анализируются типы экономических циклов и группы подходов, сформированные для их определения, классификация подходов к теории циклов, определение циклов путем моделирования ожиданий экономических агентов, основные подходы «ожидания» категория в науке. В работе использовались методы научного абстрагирования, анализа и синтеза, сравнительного анализа. Выводы были представлены в конце статьи.

**Ключевые слова:** экономический цикл, циклические колебания, ожидания экономических агентов, кризис, моделирование циклов

### **BASIC APPROACHES AND CONCEPTS IN THE RESEARCH OF ECONOMIC CYCLES**

**Jabbarov Kamoliddin**

*Doctor of Philosophy in Economics, Associate Professor, National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.*

## **Abstract**

In the article are analyzed the types of economic cycles and the groups of approaches formed for their determination, the classification of approaches to the theory of cycles, the determination of cycles by modeling the expectations of economic agents, the main approaches of the "expectation" category in science. In the work research methods of scientific abstraction, analysis and synthesis, comparative analysis were used. Conclusions were presented at the end of the article.

**Key words:** economic cycle, cyclical fluctuation, expectations of economic agents, crisis, modeling of cycles

## **Кириш**

Иқтисодиётдаги циклик ҳаракат бозор иқтисодиётига хос бўлиб, иқтисодий тизимдаги барча жараёнлар ва ходисаларга тегишлидир. Айрим ҳолатларда иқтисодий сиёсатнинг нотўғри ва ноўрин юритилиши цикллار ҳосил бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Иқтисодиётнинг циклик ривожланиши масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар етарлича амалга оширилган. Бундай тадқиқотларнинг илк кўринишларидан бири XIX асрда олиб борилган инглиз астрономи Уильям Гершелнинг тадқиқоти бўлиб, у ердаги қуёш фаоллиги цикллари ва об-ҳаво шароити ўртасидаги барқарор боғлиқликни аниқлаган. Олимнинг фикрича, ҳосилнинг циклик тебранишлари миллий иқтисодиётнинг ривожланиш табиатида акс эттирилган нарх индекслари оқибатида шаклланади [1].

Фанда иқтисодий цикллار ривожланиш тенденциясига кўра қуйидаги турларга ажратилади: 100 йиллик (асрларга тенг бўлган), бир неча 10 йилликларни қамраб олувчи цикллار, нормал иқтисодий цикллар, кичик цикллар, иқтисодиётнинг маълум бир тармоқларида рўй берувчи ўзига хос цикллар (қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқалар) ва алоҳида кўринишда намоён бўлувчи иқтисодий цикллар (заҳиралар ҳажми). Циклларга кўп ҳолатларда уларни тадқиқ этган олимларнинг исмлари берилади. Масалан, 50-60 йиллик даврни қамраб олувчи Н.Кондратьев цикллари, 18-25 йиллик даврийликка эга бўлган С.Кузнец цикллари, 7-12 йиллик К.Жуглар, 2-4 йиллик Дж.Китчин, 200 йиллик Форрестер цикли ва 1000-2000 йиллик Тоффлер цикли кабилар [2].

## **Адабиётлар шарҳи**

Циклларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида шаклланган ёндашувларни шартли равишда 4 та гуруҳда жамлаш мумкин:

1. Циклик тебранишларни аниқлашда классик ва кейнсча ёндашувларга асосланган анъанавий йўналиш. Ўз навбатида бу йўналиш намоёндаларининг тадқиқотларини иккига бўлиш мумкин. Биринчиси, ортиқча ишлаб чиқариш назариясига асосланган Кейнс йўналиши тарафдорлари [3,4,5,6] ва иккинчиси, циклик тебранишларни нархлар мувозанати билан асослаб берувчи неоклассик йўналиш тарафдорларининг [7,8,9,10,11] тадқиқотлари.

2. Эволюцион-институционал йўналиш. Ушбу йўналиш иқтисодиёт циклик ривожланишининг институционал хусусиятига асосланади. Узун тўлқинлар назарияси [12], ривожланишнинг циклик табиатини вужудга келтирувчи иқтисодиётнинг ички хоссаларини ўрганишга асосланган назария [13], технологик парадигмалар модели [14,15] шулар жумласидандир.

3. Циклик тебранишларга синергетик, ошкора методик ёндашувлар йўналиши. Бу назария иқтисодий тизим элементларининг “ўзаро тартибсиз” таъсири принципига асосланади, унинг табиий ҳаракати иқтисодиётдаги синергетик таъсирни ва циклик фазаларнинг силжишини олдиндан белгилайди [16].

4. Циклларни иқтисодий агентларнинг хулқ-атвори ва кутишлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга қаратилган ёндашувлар йўналиши. Бу йўналиш вакиллари циклларнинг силжиш фазалари ва фазалардаги тебранишларни аниқлашни иқтисодий агентларнинг кутишлари асосида амалга оширади [17,18,19,20].

### Натижалар

Буюк Депрессия инқирози асосий намояндаси А.Смит ҳисобланган классик мактабнинг нарх орқали талаб ва таклифни тартибга солишга асосланган қарашлари нотўғри эканлигини кўрсатиб берди ва цикллар борасидаги тадқиқотларда туб бурилиш ясади. Қўйидаги жадвалда иқтисодий цикллар назарияси бўйича концепциялар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари гуруҳланган (1-жадвал).

1-жадвал

### Иқтисодий цикллар назариясига ёндашувларнинг таснифланиши [2]

№	Муаллифлар	Концепция	Хусусиятлари
1.	Keynes J.M. The theory of employment, interest and money. New York:Harcourt, 1936. P. 403.	“Иқтисодиёт ҳар доим ҳам рақобатли мувозанат шароитида бўлмайди, “кўринмас қўл” ҳар доим ҳам ўз функциясини бажара олмайди ҳамда иқтисодиётнинг қайси даражада бўлишини ялпи талаб белгилайди”. Бизнес цикллари назариясининг асосий ғояларидан бири.	Иқтисодий пасайиш даврида давлатнинг ўз харажатларини ошириши ёки пул массасини назорат қилиш орқали иқтисодиётни тартига солиш масаласи аниқ ёритилмаган.
2.	Haberler G. Prosperity and depression. A theoretical analysis of cyclical movements. Geneva:League of Nations, 1937. P. 323-446.	“Иқтисодий циклнинг манбаи сифатида пул массаси, баҳолар даражаси, технологиялар, об-ҳаво ҳодисалари ўрганилганлиги, кредит, товар ва меҳнат бозорларига алоҳида эътибор қаратилади”.	Циклнинг манбалари тизимлаштирган.
3.	Hayek F.A. The pure theory of Capital. London: Routledge and Kegan Paul, 1941. P. 486.		
4.	Hicks J. “Mr.Keynes and the classics. A suggested interpretation”, Econometrika V, 1937. P. 147-159.	“Давлат иқтисодиётда хусусий талабнинг етишмаслиги – иқтисодий пасайиш даврида ўз харажатларини ошириш ҳисобига циклик пасайишга қарши фискал сиёсатни амалга ошириши лозим”.	Кейнснинг “пул, меҳнат ва товар” муносабатлари назарияси асосида модель яратган.
5.	Phillips A.W. The	“Пул массасини ошириш ёки	1970 йилда АҚШда мазкур

№	Муаллифлар	Концепция	Хусусиятлари
	relationship between unemployment and the rate of change of money wages in the UK, 1861-1957. – <i>Economica</i> 25, November 1958. P. 283-299.	давлатнинг ҳаражатларини кўпайтириш ёхуд инвесторларнинг жонли инстинклари ҳисобига талабнинг ошиши ишлаб чиқарувчиларни бир пайтда баҳоларни оширишга (инфляция) ва маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга (бандликнинг ортиши ва ишсизлик даражасининг пасайиши) ундайди”.	концепция амалиётда ўзини оқламади. Яъни инфляция ва бандликнинг бир-бирига тескари пропорционал эканлиги ўз исботини топмаган.
6.	Lucas R.E. Some international evidence on the output inflation trade-off // <i>American Economic Review</i> , LXIII. 1973. P. 326-334.	“Иқтисодий агентлар иқтисодиётнинг келгусидаги ҳолати борасида ўртача тўғри башорат қилади ва ўзида оптимал нуқтаи назарни шакллантиради”.	Филлипс эгри чизиғини иқтисодий сиёсат мақсадида фойдаланмасликни тавсия этган.
7.	Kydland F., Prescott E. Rules rather than discretion: the inconsistency of optimal plans // <i>Journal of Political Economy</i> 87, June 1977. P. 473-492.	“Фирмалар ўз фойдасини максималлаштиришади ва келгусида улар ишлаб чиқарадиган товарларга бўлган талабнинг кутилиши ва технологияларнинг ривожланишидан келиб чиқиб, инвестициялар борасида қарорлар қабул қилишади. Уй хўжалиқларининг истеъмоли уларнинг ҳаёти давомида қанча даромад кутаётганлигига боғлиқ”	Инвестициялардаги кучли тебранишни мувозанат ходисаси сифатида эътироф этганлар.
8.	Yves S.Schüler, Paul P.Hiebert, Tuomas A.Peltonen. Financial cycles: Characterisation and real-time measurement // <i>Journal of International Money and Finance</i> Volume 100, February 2020, 102082. P.1-30.	“Тадқиқотда молиявий циклларнинг кучланиш бирлиги деб аталадиган янги эмпирик усулдан фойдаланган ҳолда Базел III кредитига нисбатан ЯИМнинг тескари буферларини бошқариш тўғрисида сўз боради. Ушбу усул G-7 мамлакатларида кредит ва активлар нархининг умумий тебранишига асосланади. Кредитлаш ва активлар нархларига асосланган усул воситасида молиявий инқирозларни башоратлаш методологияси тавсия этилади”.	Мамлакатда амалда бўлган иқтисодий сиёсатнинг цикллар ҳаракатига тўғридан-тўғри таъсирини кўрсатиб беришади. Бизнес циклларни барқарорлаштириш учун миллий даражадаги хатарларни шакллантиришга қаратилган макропруденциал сиёсатни илгари суришади. Молия ва бизнес цикллар фарқланиши кераклигини хусусида фикр билдиришади.

Жадвалда иқтисодий циклларнинг ҳаракатини белгиловчи омиллар ва уларнинг манбаси сифатида ялпи талаб, пул массаси, баҳо даражаси, фоизлар, меҳнат бозори, давлат харажатларини камайтириш, иқтисодий агентларнинг ҳаракати, ўй хўжаликлари истеъмоли ва активлар нархлари келтириб ўтилганлигини ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўришимиз мумкин. Цикллар ҳаракатини хилма-хил воситаларга боғлаб тадқиқ қилинганлиги, келгусида циклларни моделлаштиришда бир қанча параметрларни ҳисобга олишни тақозо қилади.

Замонавий иқтисодий тизимларда ноаниқликлар жуда кўп бўлиб, бу бир қатор омилларнинг тегишли таҳлилини амалга оширишни олдиндан шарт қилиб қўяди. Бундан ташқари, маъмурий-бўйруқбозликка асослаган тизим асосан иқтисодий циклларни яратишнинг махсус усулини ташкил этадиган бозорни тартибга солишнинг классик воситаларини бузади. Шундай қилиб, иқтисодиётда циклик тебранишларни аниқлашнинг анъанавий механизмлари ва воситаларидан фойдаланиш иқтисодий жараёнларни объектив моделлаштиришда етарли бўлмайди, бу эса иқтисодий тенденцияларни башорат қилишда ишлатиладиган методологик воситаларга таъсир қилади. Бу иқтисодий циклларни баҳолашнинг янги усулларини ва уларни келтириб чиқарадиган омилларни ишлаб чиқиш зарурлигини кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айлантиради. Шу билан бирга, ушбу усуллар иқтисодиётда циклик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган жараёнларда иштирок этадиган кўплаб омилларга асосланиши керак. Бу эса иқтисодий ва математик моделлаштиришнинг асосий тамойилларига мувофиқ, моделларда кўп сонли прогноз қилувчилардан фойдаланишда маълум муаммоларга олиб келади [21].

Тадқиқотчи Л.Ельшинга кўра, кўриб чиқиладиган ёндашувдан фойдаланиш, вақт ўтиши билан иқтисодий агентларнинг кутишларини моделлаштиришга асосланиб, бир қатор муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Хусусан [19]:

1. Юқори эҳтимоллик даражаси билан иқтисодий цикл босқичларида ўзгариш даврларини аниқлаш, ривожланиш кўрсаткичлари ҳисоб-китобларига асосланиб, концентрацияланган шаклда кутишларни акс эттиради (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли). Бу циклик ривожланишнинг "дастурлаш" таъсиридан қочиш ва маълум бир вақтда иқтисодий агентларнинг хатти-ҳаракатлари моделига асосланган циклик тебранишларнинг мослашув моделига ўтиш имконини беради.

2. Мавжуд моделлар ва уларни трансформация қилиш шароитида иқтисодий тизимлар циклик ривожланишининг тахминий хусусиятларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш. Ушбу муаммони ҳал қилиш билан ривожланиш циклларини аниқлаш учун моделда иштирок этадиган ўзгарувчиларнинг тегишли қийматлари тўплами билан циклик тебранишларнинг кўп даражали таҳлили таъминланади. Ривожланиш циклларини моделлаштириш уларнинг турини (узоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли) ҳисобга олади ва унга мувофиқ уларнинг кечикувчи параметрлари кўрсаткичлари ва қийматлари таркиби аниқланади. Масалан, қисқа муддатли циклларнинг ривожланиш модели юқори кечикиш қийматларига эга бўлган ўзгарувчиларни ўз ичига олмайди ва узоқ муддатли циклларнинг фазавий ўзгаришини баҳолайдиган модел, аксинча, кечикиш қийматлари узоқ муддатли илғор характерга эга бўлган кўрсаткичлар билан ишлаши керак.

3. Бир-бирига нисбатан ривожланиш циклларининг узоқ, ўрта ва қисқа тўлқинларининг циклик тебранишлари "лойиҳаси". Ушбу ёндашувни амалга ошириш

иқтисодий агентларнинг кутишларини баҳолаш асосида қурилган циклларнинг фазавий силжишини аниқлайдиган омилларнинг таққосланиши билан таъминланади. Бу кўрсаткичларнинг ягона тизими асосида турли ўлчовли цикллар ривожланиш жараёнларини таққослаш имконини беради. Шунини таъкидлаш керакки, ҳозирча бундай муаммони ҳал қилиш методологик ёндашувларни асослаш нуқтаи назаридан жуда қийин жараён. Масалан, Кондратьев цикллари назарияси фазанинг ўзгариши асосий ишлаб чиқариш активларини (илмий ва технологик тараққиёт механизмларини ишга тушириш) янгилаш учун зарур бўлган "капитални жамғариш, тўплаш ва тарқатиш" [12] механизмларининг натижаси эканлиги ҳақида эмпирик исботланган тахминга асосланади. Ўрта муддатли цикллар назарияси асосий активларга инвестициялар ҳажмининг ўзгаришига асосланади. Қисқа муддатли цикллар назарияси молиявий капитал бозоридаги фоиз ставкалари даражасидаги тебранишларга асосланади ва ҳоказо.

Фикримизча юқоридаги ёндашувдан Ўзбекистон шароитида тўғридан-тўғри фойдаланишга монелик қилувчи бир қанча ҳолатлар мавжуд:

Биринчидан, мазкур ёндашув Россия иқтисодиёти учун хос бўлиб, Ўзбекистон шароитида қўллашда таҳлил қилинадиган даврлар қисқа муддатли эканлиги узоқ муддатли прогнозни ишлаб чиқишда аниқликни камайтиради.

Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодиёти 1997 йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида содир бўлган минтақавий молия инқирози ҳамда 2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврларида ўзига хос "ёпиқ" иқтисодиётга эга бўлганлиги сабабли, инқирозларнинг таъсир доираси сезиларли бўлмаган ва инқирозлардан миллий иқтисодиётнинг зарари даражаси юқори бўлмаган.

Юқорида келтириб ўтилган 2 та омил мазкур ёндашувни миллий иқтисодиётда қисқа ва ўрта муддатли Китчин ва Жуглар цикллари учун қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатади.

Айни пайтда турли миқёсдаги ва амплитудаги циклларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб берадиган масала энг мунозаралидир. Вазиятни Китчин циклининг инқироз фазалари ўрта муддатли Жуглар цикллари ва узоқ муддатли Кондратьев циклларининг инқироз фазалари билан боғлиқлиги, жуда узоқ муддатли циклларни назарда тутмаслик билан мураккаблаштиради [18].

Турли вақт ўлчовларининг цикллари ва уларни белгилайдиган омиллар ўртасидаги боғлиқликни очиб берадиган саволнинг аҳамияти ва долзарблиги Й.Шумпетернинг асарларида ҳам ўз аксини топган [13]. У Кондратьев, Жуглар ва Китчин цикллари ўртасида аниқ муносабатлар ва ўзаро боғлиқлик мавжудлигини илгари сурган. Ушбу ёндашувга мувофиқ, Й. Шумпетер кўп цикллилик назариясини ишлаб чиққан. Унга кўра ҳар бир узоқ тўлқинли Кондратьев цикли ўрта муддатли Жуглар цикллари тўпламини ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири ўз навбатида бир нечта қисқа муддатли Китчин циклини ўз ичига олади.

Макроиқтисодий тенденциялардаги циклик тебранишларни аниқлашда эволюцион-институцион ёндашув вакиллари иқтисодиётда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли цикллар ўртасидаги муносабатлар мавжудлиги ҳақидаги фикрларга ҳам амал қилишади. Масалан, С. Ю. Глазьевнинг "Иқтисодиёт ривожидида узоқ тўлқинларнинг замонавий назарияси" номли илмий асарида иқтисодиётдаги узоқ

тўлқинларнинг ўзгаришини аниқлайдиган турли институционал ва бозор гуруҳлари билан боғлиқ омилларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратилади [22]. Унда у илмий ҳамжамиятни узоқ тўлқинларнинг конъюнктив ва технологик таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш масаласига эътибор қаратишга чақиради. Муаллифнинг сўзларига кўра, назария ҳозирда иқтисодий фаннинг ягона парадигмасига мос келадиган саволга аниқ жавоб бера олмайди. Аслида, бу ҳолда С.Ю. Глазьев иқтисодий циклларда узоқ муддатли фазали силжишларнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли омилларини очиб берадиган тоифаларда ишлайди, бу бизнинг фикримизча, қисқа муддатли ва узоқ муддатли цикллар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш тамойиллари ва ёндашувларини акс эттиради. Шу билан бирга, С. Ю. Глазьев ҳақли равишда “бу омилларнинг комбинацияси ва улар орасидаги муносабатлар узоқ тўлқинлар назариясининг энг қийин қисмидир, улар учун ҳали аниқлик ва умумий қабул қилинган нуқтаи назар мавжуд эмас” деб таъкидлайди [22].

Юқоридаги муаммони бартараф этишга иқтисодчи олим М.В.Ильиннинг асарларида ҳам эътибор қаратилади [23]. Иқтисодий циклларни ўрганиш соҳасида турли олимларнинг қарашлари ва иқтисодий фикрлаш йўналишларини тизимли равишда тартибга солиш асосида муаллиф иқтисодий ривожланишни тавсифловчи умумий хусусиятларга эга фикларини баён этади, жумладан, “иқтисодиётда бир вақтнинг ўзида ривожланишнинг турли босқичларида бир нечта цикллар, бир нечта технологик режимлар мавжуд бўлади” [23].

Циклларни иқтисодий агентларнинг кутишлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотларда “кутиш” категориясига асосий гипотезалар 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Иқтисодиёт назариясида “кутиш” категориясига асосий ёндашувлар [19,20]

Муаллифлар	Модел, назария ва концепцияларга ёндашувлар
Г. Мюрдаль	Кутиш тушунчаси биринчи марта швед иқтисодчиси Г. Мюрдаль томонидан макроиқтисодий назарияга киритилган. У икки турдаги кутишларни аниқлади: “эх пост” кутишлари, яъни кўриб чиқиладиган жараён тугагандан сўнг ҳосил бўлган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг баҳолари ҳамда “эх анте” кутишлари – қарор қабул қилиш жараёнида шаклланган иқтисодий агентларнинг режалари ва ниятлари.
Ж. М. Кейнс	Ўзининг асосий асарларида у иқтисодий фаолиятдаги ўзгаришлар “иқтисодий субъектларнинг оптимистик ва пессимистик тўлқинлари” натижаси эканлигини айтди, шу билан у ушбу атамани тўғридан-тўғри макроиқтисодий моделларни ишлаб чиқиш ва тавсифлаш жараёнида ишлатмаган бўлса-да, кутишларни эслатиб ўтади.
А. Пигу	У ишбилармонлик ҳамжамиятидаги умидларга таъсир қилувчи учта асосий таркибий қисмни (омилларни) аниқлаган: пул, реал ва психологик омиллар.
Д. Мут	У илмий муомалага “рационал кутишлар” тушунчасини киритди. У “Иқтисодий агентлар ўзларида мавжуд бўлган барча маълумотларга эга бўлиб, улардан субъектив бўлса-да, оқилона ҳаракат қилган ҳолда ўзлари тасаввур қилган ва тўғри деб ҳисоблаган иқтисодий моделдаги иқтисодий жараённи башорат қилиш учун фойдаланадилар, деган

Муаллифлар	Модел, назария ва концепцияларга ёндашувлар
	фикрдан келиб чиққан. Бу шуни англатадики, бозор иштирокчилари бозор механизмлари билан яхши таниш ва ўзгарувчан омиллар натижасида талаб ва таклифнинг жавобини башорат қила оладилар”.
Р. Лукас	Иқтисодий агентлар табиатан рационалдир, бу хулқ-атворнинг тегишли моделларини ишлаб чиқишда нафақат бозорнинг ҳозирги параметрларига, балки келажакда унинг истиқболли ўзгаришларига ҳам таяниши билан ифодаланади. Шуни таъкидлаш керакки, Р. Лукас ўзининг иқтисодий цикллар назариясида кутиш назариясидан келиб чиққан. Бироқ, бу ҳолда иқтисодий агентларнинг умидлари фақат пул омиллари асосида моделлаштирилган, бу таҳлилий моделни бироз соддалаштиради.
У.С. Джевонсу	Унинг илмий изланишларида маргинал фойда назарияси муайян вақт давомида истеъмолчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш усули сифатида кўриб чиқилади.
Дж. Винер	У товар ва хизматлар қиймати назарияси истеъмолчиларнинг истакларини қондириш қобилиятини белгиловчи психологик омилларнинг мавжудлигини англашдан иборат эканлигини таъкидлайди.
А. Самуэльсон, В.Д. Нордхаус	Уларнинг тадқиқотларида эҳтиёжнинг миқдорий ўлчами ва фойдалиликни таққослаш эмас, балки истеъмолчиларнинг афзалликларини сифатли таҳлил қилиш ва таснифлаш зарурати кўриб чиқилган.
А.Г. Маслоу	У ижтимоий муҳитдаги мавжуд шароитларни ҳисобга олган ҳолда бозорда инсон хулқ-атворининг асосий эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни таснифлашни йўлларини ўрганган.
Ф. Котлер	Истеъмолчилар хулқ-атворини моделлаштириш ички ва ташқи табиатнинг айрим рағбатлари таъсири остида амалга оширилувчи харид тўғрисидаги қарорларни қабул қилишни намоён этади.
Л.Ельшин	Иқтисодий агентларнинг кутишлари иқтисодий цикллар назариясининг усуллари ва илмий ёндашувлари парадигмасининг асосий бўғини бўлиб, уларнинг асосида омилларнинг динамик ўзгариши ётади.

Жадвал маълумотлари таҳлилидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1. Иқтисодий агентлар қарор қабул қилаётганларида моддий жиҳатлар билан бир қаторда психологик жиҳатларга ҳам катта эътибор берадилар.

2. Цикллар ҳаракатини моделлаштиришда рационал кутишлар билан бир қаторда иррационал кутишларнинг оқибатлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

3. Иқтисодий билим ва кўникмалар билан “тўйинган” хулқ-атвор рационал кутишларни амалга оширишга замин ҳозирлайди.

#### **Хулоса**

Тадқиқотда келтириб ўтилган, иқтисодий цикллар ҳаракатини олдиндан айтиб беришга мўлжалланган қарашлар ва гипотезаларни амалиётда қўллаш ҳамда улар асосида моделларни яратишда назарий жиҳатлар билан бир қаторда бугунги кунда даврнинг ўзига талаб қилаётган амалий жиҳатларни ҳам ҳисобга олиниши иқтисодий прогнозларни реал ҳаётга яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Биз бунга ўқшаш вазият билан коронавирус пандемияси пайтида дуч келганмиз. Масалан, пандемия шароитида “темир” интизом билан ҳаракат қилишни ўрганиш, иқтисодий агентлар ҳулқ-атворини доимий равишда ҳимоя ниқоблари тақиб юриш ва ижтимоий масофани сақлашга мослаштириш орқали иқтисодий фаолиятни босқичма-босқич тиклаш каби ҳаракатлар вазият тақзоси билан юзага келган [24].

Ҳозирги глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграция кучайган бир даврда иқтисодий циклларни аниқлаш ва уларни моделлаштириш таҳлил қиланадиган ва ҳисобга олинадиган омиллар сонининг ортишига олиб келди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Болл, П. (2003). Цены на продукты питания в средние века устанавливало Солнце. *Природа*. doi:10.1038/news031215-12.

2. Жаббаров, К. (2021). *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари. Монография*. Тошкент: Kaleon Press.

3. Russell, C., Russell, W.M.S. (1999). *Population Crises and Population Cycles*. London: Galton Institute.

4. Marchetti, C. (1980). Society as a Learning System: Discovery, Invention and Innovation Cycles Revisited. *Technological Forecasting and Social Change* (18), 267-282.

5. Kaldor, N. (1940, March). Model of the trade cycle. *Economic journal* (Vol. 50), 78-92.

6. Fischer, S. (1977, Feb). Long-Term Contracts, Rational Expectations, and the Optimal Money Supply Rule. *Journal of Political Economy*, 85(1), 191-205.

7. Friedman, M. (1957). *A Theory of the Consumption Function*. Princeton: Princeton University Press.

8. Hawtrey, R. (1927). The monetary theory of the trade cycle and its statistical test. *Quarterly Journal Economics*, 41, 471-486.

9. Laydler, D. (1975). An elementary monetarist model of simultaneous fluctuations. *Econometrica*, 50, 1345-1370.

10. Nelson, Charles R., Plosser, Charles I. (1982). Trends and Random Walks in Macro-economic Time Series: Some Evidence and Implications. *Journal of Monetary Economics*, 10.

11. Goodwin, R. (1967). *A Growth cycle, in Socialism, Capitalism and Economic Growth*. Cambridge: Cambridge University Press.

12. Кондратьев, Н., Яковец, Ю., Абалкин, Л. (2002). *Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения*. Москва: Экономика.

13. Шумпетер, Й. (1982). *Теория экономического развития*. Москва: Прогресс.

14. Яковец, Ю. (1999). *Циклы. Кризисы. Прогнозы*. Москва: Наука.

15. Глазьев, С. (2010). *Стратегия опережающего развития России в условиях*

глобального кризиса. Москва: Экономика.

16. Матвеева, Ю.В., Семенова, Г.В. (2015). *Институты развития региональных экономических систем. Монография*. Самара: Издательство АСГАРД.

17. Lucas, R. (1973). Some international evidence on the output inflation trade-off. *American Economic Review* (LXIII), 326-334.

18. Сафиуллин М.Р., Ельшин Л.А., Шакирова А.И. (2011). *Об оценке деловой и экономической активности региона*. Москва: Экономика.

19. Ельшин, Л. (2017). *Оценка и прогнозирование региональных экономических циклов опережающего развития (на примере регионов Приволжского федерального округа)*. Диссертация на соискание научной степени доктора экономических наук. Казань.

20. Jabbarov, K. (2021, November). Behavior as an economic category. *Electronic journal of actual problems of modern science, education and training* (11/2), 8-11.

21. Сафиуллин М.Р., Ельшин Л.А., Прыгунова М.И. (2015). *Разработка методики, прогнозов и сценариев развития экономики регионов на основе моделирования деловой активности*. Казань: ООО Офсет-Сервис.

22. Глазьев, С. (2012). Современная теория длинных волн в развитии экономики. *ЭНСП* (2 (57)).

23. Ильин, М. (2010). *Экономические циклы и их регулирование в национальной экономике Российской Федерации: Диссертация на соискание научной степени кандидата экономических наук*. Москва.

24. Мирзаев, И., Жаббаров, К. (2020 йил октябрь). Коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига таъсири: таҳлиллар, прогнозлар ва хулосалар. *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали* (№ 5), 1-10.